

АҲОЛИНИНГ МАЪНВАЙИ-МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ДУНЁСИНИ БОЙИТИШ, ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация - Мақолада Аҳолининг маънавий-маърифий қадриятлари дунёсини бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти, тарихи, назарий асосларига алоҳида аҳамияти берилган.

Калим сўзлар: музей, туризм, маданият, меърос, маърифат, турмуши даражаси, турмуши сифати, ёшлар, маънавият, садоқат, муҳаббат, авлод, тарбия.

Кириш. Миллий анъана ҳамда қадриятларимизни тиклаш, бой меросимизни чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга катта эътибор қаратила бошланди. Сабаби иқтисодий тараққиёт, кишилик жамияти тарихида кечган муҳим иқтисодий жараёнларнинг ҳамда содир бўлган иқтисодий ҳодисаларнинг туб моҳиятини англаб этиш, баҳолаш, уларнинг сабаб ва оқибатларига тушуниб этиш, тегишли илмий хулосалар чиқариш, энг муҳими, уларга асосланган ҳолда, келажакда содир бўлиши мумкин бўлган, аникроғи муқаррар бўлган, иқтисодий тараққиёт хусусида илмий асосланган хулосаларни олиш имконини беради.

Материаллар. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш уларнинг халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимиз бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиши ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини кўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов (1998 йил 12 январда ПФ-1913-сон) «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди¹.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бадиий академияси ва Давлат матбуот қўмитаси мамлакатимиз аҳолисининг музейшунослик маданиятини ошириш, уларни меросимиз ва қадриятларимиздан хабардор қилиб бориш ҳамда мутахассислар, музей ходимларининг музейшунослик соҳасидаги илмий ишларини чоп этиш, бу соҳадаги ютуқларни тарғиб қилиши музей ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида уч ойда бир марта ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журналини таъсис этиш каби улуғвор режалар ҳам белгиланган эди. Албатта бу фармон ватанимизда музейлар фаолиятларини юксак даражаларга етказишида тарихий хужжат бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар

¹. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг (1998 йил 12 январда ПФ-1913-сон) «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ги фармони

тўғрисида» 2017 йил 31 майдаги ПК–3022-сон қарорини ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «2017-2020 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» карор қабул қилди¹.

Қарорда давлат музейларининг ишлаб чиқиладиган янги концепциялари, музей ашёларини ишончли сақлаш, ташриф буюрувчилар, хусусан имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристларга хизмат кўрсатишини ривожлантириш, архитектура-режалаштириш, интеръер, дизайн ва ландшафт ечимларига эътибор қаратган ҳолда ҳар бир музей биносининг эскиз лойиҳасини музейнинг йўналиши ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тасдиқлаш белгиланган. Миллий анъаналаримизни асрар - авайлаш ва бойитиш мақсадида ўтган даврда 11 та янги музей, 2 та театр, 28 та болалаар мусиқа ва санъат мактаби, 5 та олийгоҳ, жумладан, янги авлод журналистларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди. Шу ўринда муҳим бир рақамга эътибор қаратамиз. Маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан 5 карра ошиб, 2023 йилда ушбу йўналишлар учун 712 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди². Ҳеч бир ҳалқ ёки миллат маънавиятини унинг тарихидан, миллий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, дунё тамаддунига бекиёс улуш қўшган кўхна заминимиздаги маданий ҳамда тарихий ёдгорликлар, бетакрор осори-атиқалар, неча минг йиллик топилма ва ашёлар, нодир қўлёзмалар наинки ҳалқимиз, балки умумжаҳон меросининг ноёб намуналари ҳисобланади.

Усуллар. Ҳукуматимизнинг барча қарорларига туризмни ривожлантириш масалалари киритилганини миллий туризмда янги йўналишларни, туризмнинг янги турларини ташкил қилишни талаб қиласди. Яъни, музейшунослик замонавийликнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларига юз тутди. Янги музей концепцияси муаллифлари томонидан эса музейда жамоа билан коммуникациянинг янги усуслари жорий этилмоқда. Замонавий ҳаётда музейлар анъанавий вазифалар ва функциялардан бироз четга чиқиб, жамият ҳаётида актив иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириш керак³. Республикаизда туризмни ривожлантиришда мамлакатимиздаги музейлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳалқимизнинг ижтимоий, маърифий ҳаётида, ёш авлодни маданий етук тарбиялашда, инсоннинг билим доирасининг кенгайишини шакллантиришда музейларимиздан туризмда фойдаланишни кучайтириш янада долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

-аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларни кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шаклларини яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш;

-мамлакатимизнинг маданий-тарихий меросини оммалаштириш ва танитиш мақсадида музейларнинг ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувини таъминлаш;

-музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги ташриф буюрувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратишнинг инклузив услубларидан кенг фойдаланиш;

¹.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «2017-2020 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги карори.

² Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутки. «МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК»Халк сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 2 бет.

³.Мухамедова М.С., Музейшунослик. Ўкув қўлланма. Тошкент, 2013.-174 б.

Мамлакатимизда сўнги йилларда халқимизнинг, айниқса ёш авлодларнинг музейларга қизиқиши ва ташриф буюришлари, бу ташрифларни ташкил қилувчи ташаббускорлик ҳам, айни вақтда, дунё халқларининг, халқаро туристларнинг, ватанимизга ташриф қилган давлат раҳбарларининг музейларимизга қизиқишлиари ҳам йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Чунки, Ўзбекистонда халқаро миқёсларда маълум ва машҳур бўлган музейлар бор.

Марказий Осиёда яшаган халқларнинг бойликлари дастлаб эрамиздан олдинги IV асрда Александр Македонский қўшинлари томонидан таланган. Улар қадимги Тўс шаҳаридаги ибодатхонадаги шоҳ Виштаспнинг қабрини очганида улар кутган бойликлар ўрнига терига ёзилган “Авесто”ни кўришади. Жаҳли чиқган Александр уни ёқиб юборишни буоради. Шу тариқа буюк “Авесто”нинг дастлабки нусхаси йўқ қилинди.

Марказий Осиёда яшаган халқларнинг бутун бойликлари, айниқса, дунёда тенги йўқ китобхоналари Чингизхон босқинида ёқиб юборилди. Араблар босқинида ҳам тенги йўқ китобхоналар йўқ қилинди. Ўрта Осиёда мустақил Сомонийлар давлатининг (IX-Хасрлар) барпо бўлиши бу борада тубдан ўзгариш қилди. Бу даврда сарой бойликларидан ташқари, катта кутубхоналар, архивлар ташкил этилди. Тарих гувоҳлигича, X асрдаги Бухоро ва Шероз амирликлари кутубхоналарида инсоният яратган кўплаб нодир китоблар бўлган.

Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Ғазнавий ҳам жуда кўп китоблар тўплаган. Хоразмшоҳ Муҳаммад мамлакатнинг равнақи йўлида катта ишлар қилди. Гўзал саройлар, қасрлар, мақбараалар курди. Нодир моддий-маънавий бойликлар тўпланди, аммо бу бетакрор санъат ва маданият ёдгорликлари, бутун шаҳар мўғул босқинчилари истилоси туфайли йўқотилди. Кутубхоналар ёндирилди, маданий ҳаёт 100 йиллар орқага чекинди. Орадан 150 йил ўтгандан сўнг Ўрта Осиёда фан ва маданият қайта ривожлана бошлади. Айниқса, Амир Темур томонидан ягона марказлашган давлат тузилиши ва Самарқанднинг пойтахт қилиниши катта бойликларнинг тўпланишига сабаб бўлди. Меъморий ёдгорликлар, мақбараалар, масжид-мадрасалар, саройлар курилди.

Амир Темур забт этган мамлакатлардан қадимий қўлёзмалар, хон, амирларга тегишли ёзишма ва элчилик хужжатлари, мусулмон дунёсининг муқаддас китоби бўлмиш «Усмон Куръони» нинг асл нусхасини Самарқандга келтирди. Дунёга машҳур Темур кутубхонасини барпо этди. Темурнинг севикили набираси, Шарқнинг буюк астроном олими Мирзо Улуғбек бу кутубхонани янада бойитди. Темурий хукмдорларнинг ҳаммаси маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

Маълумотларга кўра, Алишер Навоийнинг жуда катта, нодир, қўлёзмаларга бой шахсий кутубхонаси бўлган. Бу кутубхонадан тарихчи Хондамир, мусаввир Беҳзод ва бошқа олиму фозиллар фойдаланганлар. Бухоро-Хива хонликларида ҳам нодир қўлёзмалар коллекциясини тўплаб сарой ва шахсий кутубхоналар барпо этиш одат бўлган эди.

Хива хони Муҳаммад Рахим II, (Феруз тахаллуси билан машҳур шоир 1865-1910) кутубхона барпо этиб уни дунёning ҳар чеккасидан келтирилган нодир қўлёзмалар билан бойитиб боради. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Хивада литография ташкил қилиб, ноширлик санъати ривожлантирилади. XIX асрда Хива хонлиги ўзининг китоб хазинаси билан дунёга машҳур бўлади. Бу ерда араб, форс-тожик тилларидағи қўлёзмалар ўзбек тилига таржима қилинган.

Қўқон хонлигига ҳам бой кутубхона бўлиб, нодир қўлёзмаларга эга эди. Бу даврда Ўрта Осиёning йирик шаҳарлари Фарғона, Бухоро, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарларда китоб ихлосмандлари бўлиб, улар жуда катта маблағ сарфлаб нодир қўлёзмаларни йиққанлар. Масалан: Тошкентда Жўрабекнинг (1906 йилда ўлдирилган.) шахсий қўлёзмалар коллекцияси машҳур эди. Боқижон бой, Қози Муҳиддин, Андижондаги Дукчи Эшонларнинг кутубхоналари, Бухорода яшаган Қози Шарифжон Маҳзун Зиёнинг кутубхонаси ва ундаги қўлёзмалар ўзининг нодирлиги ва қадимийлиги билан машҳур эди. Юқоридагилар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, Ўрта Осиё диёрида моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш асрий анъана бўлиб, миллий хусусиятларга, ислом дини урф-одатларга риоя қилган ҳолда амалга оширилган.

Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг қомусий, шоҳ асарлари XII асрдан Европа мамлакатларида лотин тилига таржима қилиниши, дунё фани ривожига катта ҳисса қўшди. Шарқ мамлакатларида эса, бу шоҳ асарлар кутубхоналарнинг олтин фондига айланди. Қадимдан Европалик олимлар, ҳукмрон доиралар Ўрта Осиё халқларининг тарихи, маданияти ва маданий ёдгорликларини эгаллашга ҳаракат қиласидилар. Кейинги даврга келиб, Ўрта Осиёдан фақат ерли муаллифларнинг қўллётмалари эмас, балки Шарқдаги буюк мутаффакирларнинг факат номларигина маълум, аммо ўзи топилмаган асарлари ҳам худди шу ердан чиқиш мумкин деган мулоҳазада бўлдилар.

Уларнинг тахминлари тўғри чиқди ва изчил олиб борилган ҳаракатлари натижасида Ўрта Осиёнинг маънавий хазиналари Европа-Осиё давлатларининг мулкига айланди. Бу ишлар хилма-хил йўллар билан амалга оширилди: бу бойликлар хонликларга келган элчиларга совға сифатида берилди, савдогарлар, атайлаб келган сайёҳларнинг ҳаракатлари, ўртадаги воситачилар орқали ва босқинчилик ҳаракатлари туфайли хорижий мамлакатларга чиқа бошлади.

Натижалар. Масалан: 1740 йили Эрон шохи Нодиршоҳ Ўрта Осиёни босиб олади ва Амир Темур мақбарасидан кўп ёдгорликларни олади: Темур қабри устидан нефрит тоши, соҳибқироннинг мақбарага қўйилган олтин сопли қиличи ва қалконлари, қабр устига қўйилган Қуръон Самаркандан босиб олинган беҳисоб ўлжалар ичидан олиб кетилади. Аммо Темур қабри тошини йўлда синиб қолгани учун тезликда қайтаради.

1831-1833йилларда Ост-Индия компаниясининг лейтенанти Александр Бёрнс Бухорода яшаб, қадимий тилла ва кумуш тангларни йиғади ва 200 дан ортиқ нодир нумизматика коллекциясини барпо этиб, Британия музейига тақдим этади. Ҳозир бу коллекция бебаҳо ҳисобланади. Бу талончиликда Рус империяси алоҳида, кенг кўламда «изланиш» ишларини олиб борди. Бу жараён айникса, XIX асрга келиб жуда кучайиб кетди.

Петербургдаги Осиё музейининг директори, шарқшунос олим Х. Д. Френ 1834 йил Ўрта Осиёдан излаб топилиши мумкин бўлган Шарқ муаллифларига мансуб «Юз асарнинг ҳронологик рўйхати» ни тузиб чиқди. Оренбург божхонасига савдогарларни жўнатиши ва кўрсатилган қўллётмаларни Петербургга юбориш ҳакида фармойиш берилди, бу вазифа буюрганидан ҳам аъло даражада бажарилиб, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихи географиясига доир қимматли қўллётмалар Петербургга оқиб кела бошлади. Бу Ўрта Осиё моддий ва маънавий ёдгорликларининг олиб кетилишининг биринчи босқичи эди. Шу даврда ёк Европа давлатлари ва Россиянинг подшо саройлари кутубхоналарида Туркистон ёдгорликлари пайдо бўла бошлади. 1853 йили рус қўшинлари томонидан Оқ масжид қалъасининг қўлга киритилиши пайтида моддий ва маънавий хазиналаримиз рус қўшини томонидан ваҳшийларча таланди.

1869 йилдан режали ўлжа йиғиш чоралари ишлаб чиқилди. Солдат-офицерлар қўлларига Петербургда ёзилган тавсиянома берилиб, қандай нарсаларга аҳамият беришликлари кўрсатилган эди. Асосий мақсад: Туркистон шаҳарлари ва хонликлардан қўллётмалар, хужжатлар, танга, муҳр, амалий санъат намуналари, осори-атиқалар, маҳаллий ҳунармандларнинг ижод маҳсулотлари, гиламлар, мис ўймакорлиги буюмлари, нодир эгаржабдуқлар, заргарлик буюмлари, айникса, соплари дур, гавҳар тошлари билан безатилган қимматбаҳо металлардан ясалган қилич, ханжар, пичоқлар ва бошқа буюмлар Петербургдаги музей ҳамда кутубхоналарга жўнатилиши керак эди.

Ҳарбий бошликлар ва амалдорлар бу қимматбаҳо ёдгорликлардан ўзларига коллекция тўплашни ҳам унутмадилар. 1869 йили Самарқандда Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К. П. Фон Кауфман (1867-1882й) мусулмон дунёсининг муқаддас китоби VII аср Куфа қўллётма ёдгорлиги «Усмон Куръони»ни Петербург императорига жўнатди. 1870 йили Бухоро амири фуқаролари қўзголонини бостириш баҳонасидаги ҳарбий юришда Шаҳрисабз ва Китоб бекларига қарашли жойлардан 97 жилд қадимий қўллётмалар тортиб олинди.

Маданий ва маънавий ёдгорликларни илмий асосда йиғиш 1873 йили Хива хонлигига юриш олдидан жуда мукаммал ташкил қилинди. Бу ишга Петербургдаги рус

география жамияти бош- қош бўлди. Йирик шарқшунос олим П. И. Лерх хонлиқда нималарга эътибор бериш ва йиғиш хақида мукаммал дастур ишлаб чиқиб Туркистонга юборди.Дастур, яъни «Кўрсатма» типография йўли билан нашр қилиниб солдат ва офицерларга тарқатилди.«Кўрсатманинг» маҳсус бўлимида архив хужжатлари, тилла, кумуш тангалар ва қўлёзма китобларни йиғиш алоҳида қайд этилди. Яна кўрсатилади, юқоридаги ёдгорликлар, қозихоналар, масжид-мадраса ва хонадонлардан олинсин. Бу ерларда Абу Райхон Беруний, А. Навоий ва бошқа мутаффакирларнинг қўлёзмалари бўлиши шартлиги кўрсатилади. Ёзилган қўлёзма ва осори-атиқа буюмларини Петербургга жўнатиш Туркистон генерал-губернаторининг фахрий маслаҳатчиси шарқшунос олим А.Л.Кун зиммасига маъмурий йўл билан юклатилади.Солдат ва офицерларни рағбатлантириш йўллари кўрсатилади.

Бу пайтда Хива хони шошилинч равишда қочган бўлиб, сарой босқинчилар ихтиёрида қолган эди. Хон саройи ва ундаги хазиналар талон-тарож этилди, қўлёзмалар ва хужжатлар Петербург императори кутубхонасига (хозирда С. Шедрин номидаги Петербург давлат кутубхонаси) жўнатилди. Хива хони таҳти эса 1874 йилда Москвадаги курол-аслаҳа палатасига топширилди. Бу таҳтни илмий тавсиф этган рус олими В. В. Стасов: «Бу таҳт Хива хунарманд усталарининг маҳорат чўққиси, яъни металлга гул солиши хунарининг бетакрор маҳсули» дейди.

Хон саройидан олинган қимматли ўлжалар ичида 200 та пул ясадиган қолиплар, 25 пуд тилла ва кумуш, хон муҳри, 200 дан ортиқ қадими тангалар, беҳисоб қимматли тошлар ва тиллодан ясалаган заргарлик буюмлари ва кийим-кечаклар бор эди. Бу нарсалар Петербург ва Москва музейларига Эрмитаж, Царкосельский арсенал, Москва политехника музейи, этнография музейи ва бошқа жойларга жўнатилди. Булар бутун дунёдан келтирилган санъат дурдоналари эди.

Беҳисоб Хитой чинни идишлари, Эрон, туркман ипак гиламлари, Кашмир рўмollари, ажойиб чопон ва курол-аслаҳалардан, беҳисоб заргарлик буюмларидан иборат эди. Фақат XVII-XVIII-XIX асрга оид Хитой чиннисидан ясалган буюмлар 1000 дан ортиқ бўлиб бу нарсалар рус офицерларига ўлжа бўлди.

1875-1876 йили Кўқонга юриш бўлди, хонлик тугатилиб, хонлик хазинаси, ундаги қўлёзмалар қимматли мис, тилла, кумуш буюмлар, курол-аслаҳалар Петербургга жўнатилди. Кўқондан олинган мисгарлик, заргарлик буюмлари шу вақтгача йирик музейлар-Эрмитаж, Британия музейи ва бошқа музейларнинг кўргазмаларида кўрсатилмоқда. Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқларининг тўкилган қонлари хисобига Туркистон ерида 5 та маъмурий вилоят: Сирдарё, Зарафшон (Самарқанд), Фарғона, Каспий орти вилояти, Еттисув тузилиб генерал-губернаторга қарам бўлди ва Россиянинг тўла маънодаги колониясига айланди. Бухоро билан Хива рус империясининг тобе хонликлари бўлиб қолди. Ўлкада ярим подшо Туркистон генерал-губернатор бўлиб, у чекланмаган ваколатга эга эди.

Энди янги вазифа Ўрта Осиёнинг улкан территориясини ўзлаштириш, уни чоризмнинг Шарқдаги истеҳкомига, бойиш манбаига айлантириш, ўлкани мукаммал ўрганиш, яъни ўлкани ер ости ва ер усти бойликларини ўсимлик ва ҳайвонот оламини, тарихини, этнографиясини ўрганиш зарур эди. Бу борада катта дастур ишлаб чиқилди: унда Туркистоннинг қадимги тарихи, моддий ва маънавий ёдгорликлари, географияси, ер ости ва ер усти бойликлари, табиити, ҳайвонот дунёси, урф-одатлари, ҳаёт тарзини кенг қўламда ўрганиш ва ўзлаштириш мўлжалланган эди. Шу максадда генерал-губернатор хузурида фахрий маслаҳатчилар штати барпо этилди ва бу лавозимларга шарқ тарихи билимдонлари жалб этилди. Петербургдан шарқшунос олимлар Ўрта Осиёга доимий ва узоқ муддатли командировкаларга келиб маҳаллий коллекционерлар ва шарқшунослар ёрдамида ҳар тарафлама текшириш ўтказар эдилар. Улар ишни археологик қазилмалар ва бетакрор мақбара ва мадрасалардан бошлар эдилар. Бу ишларнинг натижаси ўларок, улар ихтиёрида қадими нодир ёдгорликлар, қимматли манбалар тўпланарди. Бу ноёб манбалар Петербург музей ва кутубхоналарига жўнатилади.

Улар Туркистоннинг хамма шаҳарларига генерал губернатор ваколати билан бориб хон саройлари, мадрасалар, масжидлар, қозихона ва савдогарларнинг шахсий коллекцияларини, моддий ва маданий ёдгорликларни, қадимий нодир қўлёзмаларни изчилиравишда қўлга киритиб, саралаб Петербургдаги археология комиссиясига, Осиё музейига ва Император кутубхонасига узлуксиз жўнатиб турдилар. Булардан ташқари шу мақсад йўлида 1867 йилдан то 1917 йилгача Туркистонда 15 тадан ортиқ илмий жамият ва тўгараклар ишлаб турган.

1895 йилда Тошкентда археолог, этнограф ва антропологлар тўгараги ташкил этилиб, унга Николай Петрович Остроумов бошчилик қилди. Тўгаракнинг асосий вазифаси-ўлканинг бой маданияти ва тарихини ўзида мужассамлаштирган ёдгорликларни тўплаш ҳамда ўрганиш бўлди. Бу ишда Петербургдаги император археологлар жамияти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Тўгарак тўпланган ёдгорликлар ҳақида марказга ахборот берив турар ва марказдагиларнинг тавсияси билан қўлга киритилган ёдгорликларни Петербургга жўнатар эдилар.

1898 йилда Андижон қўзғолонининг сардори Дукчи Эшон кутубхонаси мусодара қилинди. Ундаги 194 нодир қўлёзма тезликда Петербургга жўнатилди. Туркистон хазиналарини марказга юборишида жонбозлик кўрсатган яна 3 ишчи гурух бор эдики, улар маҳаллий ҳаваскор ёдгорликлар мухлислари эдилар. Улар ўлка зиёлилари, рус маъмуриятининг расмий ходимлари ва катта кичик ҳарбий амалдорлар эдилар.

Рус тарихининг намояндлари ўзларининг Туркистонда олиб борган илмий ва ёдгорликларни тўплаш ишларида маҳаллий мухлисларга таяндилаар. Масалан: Самаркандлик Мирза Қосимов, Тошкентлик савдогар Акром Асқаров, Самаркандлик Мирза Абдулла Бухорий, этнограф Шоҳимардон Иброҳимов, Самаркандлик Абу Сайд Махсум, археолог Олим Турди Мирғиёсов ва бошқалар. Булардан ташқари, яна Петербург, Москва музейларидан беҳисоб мутахассислар тез-тез ўлкага келдилар ва ҳисобсиз ёдгорликларни олиб кетдилар.

Мухокама. Шундай қилиб, бундай жозибали, афсонавий ўлка рус ҳукмдорларини шошилтириб қўйди. Ўлкада ҳар тарафлама «илмий текшириш» ишлари ривожланиб кетди. Чор ҳукумати Туркистон ўлкаси ҳалқ оммасига миллый жиҳатдан ўзини англаш учун имкон бермас, чунки улар орасида тарихий билимларни кенг ташвиқот қилиш ва улар эътиборини қадимги ёдгорликлар қимматига жалб этиш чоризмнинг мустамлака сиёсатига птур етказади, деб ҳисоблардилар. Лекин Ўрта Осиёни ўз мустамлака мулки деб билган чоризм бекиёс бойликларни ўзлаштириш учун Туркистонни илмий асосда ўрганиш зарурлигини яхши тушунарди.

Илмий жамияtlар, Туркистон ўлкасининг тадқиқотчи олимлари, айrim шахслар, айrim муассасалар Туркистон ўлкаси минералогияси, зоологияси, нумизматикаси, этнографияси, флора, фауна дунёсига оид ажойиб коллекциялар билан тўлдириб олдилар. Энди тарқоқ коллекцияларни бирлаштириш ва уларни Петербургга жўнатиш учун саралаш маркази лозим бўлиб қолди. Бунинг учун энг қулай Марказ музей ҳисобланиб, ўлкада музей ташкил этиш масаласи кўтарилиди. Жумладан, А. П. Федченко Туркистон генерал губернаторига тайёрлаган ахборотда «Туркистонни муваффақиятли ривожлантириш учун у билан асосли равишида танишиб чиқиш керақ, музей эса бунинг энг яхши воситасидир», деб ёзган эди.

Шундай қилиб, А. П. Федченко, И. В. Мушкетов, В. Ф. Ошанин, В. В. Бартольд ва бошқалар Туркистонда музейлар қурилишининг ташаббускор лари бўлдилар. 1876йил биринчи бўлиб Тошкент музейи (ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейи) очилди. Шу пайтдан эътиборан, Ўрта Осиёда бош музейнинг мавжудлиги расман тан олинди. 1896йили Самарканд, 1898йили Еттисув, 1899йили Фарғона ва Каспий орти (Ашхобот) ўлка музейлари барпо этилди.

Экспозицияларнинг мазмунига келсак, унинг асосий вазифаларидан бири чоризм куролининг Ўрта Осиёдаги ғалабаларини шарафлашдан иборат бўлиб, Туркистонни босиб олишдаги рус генераллари ва офицерларининг кўрсатган «жанговарлиги» мадҳ этилиб,

уларнинг саноқсиз портретлари кўрсатилган эди. Экспозицияларда маҳаллий тилларда изоҳ текстлари берилмасдан, маҳаллий аҳоли музейни кўриш ва тушуниш учун қисқача изоҳларга муҳтож эди. Умуман, мустамлака маъмурияти музей экспозицияларидан, ҳукумрон метрополия ғояларини тарғиб қилиш учун фойдаланаар эди. Бу ишда рус буржуазияси, савдогарлар ҳамда корчалонлар, мустамлака табиий бойликларини сунистеъмол қилишдаги ўз ютуқларини намойиш этиш ва шу билан ўз маҳсулотларини пуллаш учун reklama яратишга харакат қиласар эдилар.

XIX аср ўрталаридан бошлиб этнографик музейлар ташкил қилинади ва шу даврда этнография ҳам фан сифатида шаклланади. Ватанимиз Ўзбекистонда дастлабки музейларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида қисқача тўхтalamиз. 1876-йилда Тошкентда Туркистон музейи ташкил этилади (12-июль). Музей статистика комитети ихтиёрига берилиб, унга раҳбарликни 1877-йилдан Туркистон бўлими аъзолари комитети амалга оширди. Музей мудири қилиб «Туркестанское ведомости» газетасининг собиқ редактори Н.А. Маев тайинланди.

Музей бино йўқлиги учун унинг уйида 1878-йилгача турди. 1919-йил февральда Туркистон Генерал Губернаторлиги қароргоҳи «оқ уй» нинг бир қисмига музей кўчирилади. Кейинги даврда музейга ёзувчи Ойбек номи берилади. Бу Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондида археологик материаллардан 52 мингтагача буюм, нумизматикадан 43 мингдан ошиқ танга пул, медаль ва бошқа хил пуллар, этнографияда 1800 тадан ошиқроқ ёдгорлик буюм бўлди.

Музей картотекаси ва архивидаги фотосуратлар негатив ва ҳужжатлар сони 100 мингдан ошган. (1978 йил) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 21-апрель 1992-йил, 203 сонли қарори асосида музей қайта ташкил этилди. У ЎзРФА Ўзбекистон тарихи Давлат музейи деб номланди. Умумий майдони 2минг m^2 , 12минг экспонат ўрин олган. Туркистон музейидан ташқари 1895-йилда Фарғона вилоят музейи очилиб, у дастлаб шаҳар халқ музейи деб аталган. 1896-йилнинг 21-июнида Самарқандда «Самарқанд статистика комитети музейи» (ҳозирги Ўз. Р. маданият ва санъат тарихи музейи) экспозициясининг тузилиши одатдаги кунсткамера сифатида бўлган, унда ҳар хил материаллар тўпланган.

Музейларни тўлдиришда рус ҳаваскор коллекционерларидан А.И.Добросмыслов, Н.С.Ликошин, Н.П.Остроумов, А.Л.Вяткин, Н.Н.Карамзин, маҳаллий вакиллардан Мирзо Бухорий, Мирзо Қосимов) А.Асқаровларнинг фаолияти катта бўлган. 1918-йил 10-декабрда музей ва коллекцияларни ҳисобга олиш ва сақлаш ҳақида Декрет зълон қилинади. 1919-йил 20- августда «Туркистон халқ музейи ҳақида Низом» тасдиқланди. 1943-йилда бу музей ЎзФА тизимига ўтказилди.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг катта ва кичик шаҳарларида, туманларида 510 музей ишлаб турибди. Қорақалпоғистон Давлат Ўлкашунослик музейи Тўрткўл шаҳрида 1929-йилда ташкил қилинган. Бунда академиклар С.Ф.Ольденберг, А.Самойлович, академия мухбир аъзоси С.П.Толинский ва Ўзбекистон, Қозоғистон олимлари ёрдам беришган. 30-йиллар бошида музей ишларига, Москва Университети битирувчилари Н.А.Баскаков, Н.В.Торчинская ва кейинчалик филология фанлари доктори, профессор Қалли Айимбетовлар фаол иштирок этади. Олимлардан Мельков, Морозова, С.П.Толстов, Т.Жданко ва бошқалар кейинги даврларда бу музей экспонатларини тўлдиришда ҳисса қўшган. Музей 1944-йилда сув ташқинига биноан Тўрткўлдан Нукус шаҳрига кўчирилган. 1965-йилда эса ҳозирги бинога келтирилган. Музей фонди 50минг экспонатдан ошади. Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи эса 1966-йилда очилди.

Музейшунослик адабиётларда Ўзбекистон музей ишларини ривожлантиришнинг **биринчи даври** (1917-1923 йй.) Қадимги ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш, сақлаш комитетлари (Турккомстарис, Средазкомстарис, Узкомстарис) фаолияти билан белгиланди.

Иккинчи даври (1923-1930 йй.) тўпланган материалларни тартибга солиш, музейларнинг асосий турларини (марказий, вилоят, маҳаллий) аҳамиятга кўра аниқлаш

материаллар тўплашда муайян чегарани белгилади. **Учинчи даври** (1930-1941 йй.) урушгача бўлган давр реконструктив, характерга эга бўлди. Музей шахобчалари кенгайди. Шу даврда, 1933-йил, Тошкентда музей ишини янада ривожлантиришга оид асосий йўналишларни белгилаш масаласи мухокамасига бағишлиган музей ходимларининг биринчи республика конференцияси чақирилди.

Тўртинчи даври Ватан уруши йилларига (1941-1945 йй.) тўғри келади. Республиkaning урушдаги иштирокини ифодаловчи экспозициялар яратилди, музей халқни мардлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аҳамиятли бўлди. Доимий ва сайёр кўргазмалар ташкил қилинган. Музей экспонатлари фақат илмий изланишлар манбайигина бўлиб қолмасдан, амалий мақсадларга ҳам хизмат қилди.

Бешинчи давр. 1946-1964 йиллар урушдан кейинги қайта тиклаш даврига тўғри келади. Кейинги мустақилликгача бўлган даврдаги музейлар фаолиятида албатта тоталитар тузум ғоялари устунлик қиласиди ва бу миллий қадриятлар дурдоналарини музей орқали дунъёга танитиш ишларини мар-казга боғлаб қуярди. Фақат мустақиллигимиз туфайлигина чеклашларга чек қўйилди. Миллийлигимиз, ўзлигимизни намоён қиладиган музейлар пайдо бўлди.

Хулоса. Юқоридагилардан хулоса шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК” нутқида миллий анъаналаримизни асраб - авайлаш ва бойитиш мақсадида ўтган даврда 11 та янги музей, 2 та театр, 28 та болалаар мусиқа ва санъат мактаби, 5 та олийгоҳ, жумладан, янги авлод журналистларини тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилганлигига алоҳида тухталиб ўтилди.

-давлат музейларининг ишлаб чиқиладиган янги концепциялари, музей ашёларини ишончли сақлаш, ташриф буюрувчилар, хусусан имконияти чекланган шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, туристларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш, архитектура-режалаштириш, интеръер, дизайн ва ландшафт ечимларига эътибор қаратган ҳолда ҳар бир музей биносининг эскиз лойиҳасини музейнинг йўналиши ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқкан ҳолда тасдиқлашга алоҳида ургу берилди;

-маҳаллий аҳолининг мамлакат бўйлаб саёҳатларини рағбатлантириш, сайёҳлар учун қулай инфратузилма яратиш, худудларнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш орқали ички туризмни тизимли ривожлантириш;

-хорижий сайёҳларнинг ташрифи учун кенг шароитлар яратиш, уларнинг саёҳат дастурларини мазмунан бойитиш ва кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш хисобига туризмни жадал ривожлантириш;

- Ўзбекистон музейларида сақланаётган моддий ва маданий меросимизни кенг жаҳон оммасига намойиш этиш бўйича қатор кўргазмалар жаҳон музейларида ташкил этилади.

Юқорида санаб ўтилган соҳа ривожидаги мувофақиятлар Ўзбекистонда музейшунослик соҳасини тараққий этишига мустаҳкам замин яратган омиллардир. Ташкил этилган ва этилаётган кўплаб янги музейлар ёш авлодни тарихимиз, моддий ва маданий меросимизни нақадар чуқур илдизга эгалигини сингдирган ҳолда, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари билан тарбиялашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. “МАЪНАВИЯТ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК” Халқ сўзи 2023 йил 23 декабрь, №274(8617) 3 бет.
- Соколова М. В., История туризма. Учебное пособие.Издательство «Мастерство», Саратов, 2002.-349 с.

3. Мухамедова М.С., Музейшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2013.-174 б.
Бекмуродов М.Б., Рашидова М.Х., Музейшунослик. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2005.-110 б.:
Н. В. Мягтиной; Музееведение: Учеб. пособие Владим. гос. ун-т. – Владимир: Изд-во ВлГУ,
2010. – 114 с.
4. Юрнева, Т. Ю. Музееведение : Учеб. для высш. шк.– 4-е изд., испр. и доп.– М.:
Академ. проект, 2007. – 560 с. Сотникова, С. И. Музеология: Пособие для вузов, – М.:
Дрофа, 2004. – 192 с.
5. Pirnazarovna, U. Y. (2024). LABOR RESOURCES-INVALUABLE ASSETS. *International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING*, 4(2), 443-446.
6. Pirnazarovna, U. Y. (2024). THE THEORETICAL FRAMEWORK FOR MUSEUM TOURISM DEVELOPMENT. *International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING*, 4(2), 355-358.
7. Pirnazarovna, U. Y. (2024). THE IMPACT OF MUSEUM TOURISM ON ENHANCING QUALITY OF LIFE. *International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING*, 4(2), 359-363.
8. Pirnazarovna, U. Y. (2023). Service Provision and Standard of Living of the Population; Interdependence. *Information Horizons: American Journal of Library and Information Science Innovation* (2993-2777), 1(10), 25-27.
9. Pirnazarovna, U. Y., & Ismatjonovna, U. M. (2023). SOCIO-ECONOMIC IMPORTANCE OF THE SERVICE SECTOR. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(6), 1-6.
10. Pirnazarovna, U. Y. (2023). THE ROLE OF THE SERVICE SECTOR IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, 12, 20-25.
11. Pirnazarovna, U. Y. (2023). Factors Affecting the Level of Population. *Miasto Przyszlosci*, 34, 180-186.
12. Pirnazarovna, U. Y., & Bakhodirovich, E. D. (2022). THE STANDARD OF LIVING OF THE POPULATION AND THE SERVICE SECTOR. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(4), 705-709.
13. Pirnazarovna, U. Y. (2020). The role of tourism in shaping the quality and standard of living of the population. *Academy*, (2 (53)), 13-15.
14. Pirnazarovna, U. Y. (2019). The development of service sector is an important factor in creating new jobs and ensuring employment. *Academy*, (12 (51)), 32-38.
15. Pirnazarovna, U. Y., & O'G'Li, A. S. H. (2019). The role of tourism services on raising the living standards of the population. *Вопросы науки и образования*, (18 (65)), 27-30.
16. Urumbaeva, Y. P., & Raximberdiyev, T. (2023). COMPREHENSIVE ANALYSIS OF POPULATION INCOME LEVELS. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(11), 8-14.
17. Urinboeva, Y. P., Khasanova, D. D., & Shodmonovna, S. C. (2021). THEORETICAL APPROACHES TO THE FORMATION OF LIVING STANDARDS AND SERVICES OF THE POPULATION. *International journal of trends in commerce and economics*, 11(1).
18. Urunbayeva, Y. P. (2019). THE ROLE OF THE SERVICE INDUSTRY IN THE FORMATION OF POSTINDUSTRIAL SOCIETY. In *Colloquium-journal* (No. 26-8, pp. 11-15). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості= Голопристанский районный центр занятости.
19. Umirzakova, M. I., & Baratova, M. I. (2021). THE ESSENCE OF THE SERVICE SECTOR AND THE SOCIO-ECONOMIC SIGNIFICANCE OF RAPID DEVELOPMENT TODAY. *Экономика и социум*, (11-1 (90)), 591-597.
20. Урунбаева, Ю. П. (2023). АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНинг ЎРНИ. *FINLAND MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS*, 14(1).

21. Уринбаева, Ю. П., Ҳимматова, Б. Б., & Уралов, Ш. А. (2019). АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ. In *МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ* (pp. 472-475).
22. Урунбаева, Ю. П., Нуруллаева, Ш. И. К., Давлатова, Н. Б. К., Истамов, Ш. А. У., & Очилова, Ю. Т. К. (2019). Роль услуг в развитии инновационной экономики. *Достижения науки и образования*, (7 (48)), 15-17.
23. Урунбаева, Ю. (2016). Роль сферы услуг в социально-экономическом развитии страны. *Экономика и инновационные технологии*, (4), 38-46.
24. Урунбаева, Ю. П. (2013). Ҳизмат курсатиш соҳдси ва ахоли турмуш даражаси: узаро багликлари ва ривожланиш истикболлари. *Монография. Тошкент:«ФАН, 156.*
25. Урунбаева, Ю. П. (2020). НЕКОТОРЫЕ ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЕ. In *Российская экономика: взгляд в будущее* (pp. 180-185).
26. Урунбаева, Ю. (2016). Возможности увеличения свободного времени населения на основе развития сферы услуг. *Экономика и инновационные технологии*, (5), 88-93.
27. Уринбаева, Ю. П. (2016). Перспективы повышения уровня жизни населения на основе развития малого и частного бизнеса. *Научный альманах*, (11-1), 321-326.
28. Урунбаева, Ю. П. (2016). Уровня жизни населения это социально-экономическая природа. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ФАКТЫ, ТЕНДЕНЦИИ, ПРОГНОЗЫ* (pp. 58-60).
29. Урунбаева, Ю. П. (2016). СФЕРЫ УСЛУГ И УРОВЕНЬ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ. In *НАУКА СЕГОДНЯ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ И ПРИКЛАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ* (pp. 97-99).
30. Уралов, Ш. А., & Урунбаева, Ю. П. (2020). Теоретико-методологические проблемы развития сферы услуг. In *ИССЛЕДОВАТЕЛЬ ГОДА 2020* (pp. 116-123).
31. Уралов, Ш. А., Нурматова, С. А., & Урунбаева, Ю. П. (2020). ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ как главный фактор развития экономики, основанной на рыночных отношениях. In *СТУДЕНТ ГОДА 2020* (pp. 105-112).
32. Урунбаева, Ю. П. (2024). МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ-ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 43(3), 57-60.
33. Урунбаева, Ю. П. (2024). ҲИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ-АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛИ. *Ta'l'm innovatsiyasi va integratsiyasi*, 19(1), 166-171.
34. Урунбаева, Ю. П. (2024). ҲИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНГ АҲАМИЯТИ. *Ustozlar uchun*, 56(1), 186-190.
35. Урунбаева, Ю. (2024). МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ-МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(2), 644-649.
36. Урунбаева, Ю. П. (2023). РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА В РАЗВИТИИ СТРАНЫ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(9), 105-108.
37. Тўраев, Ш., Режапов, Х., Махмудов, Ж., Мадиева, З., Элбаева, М., Камалова, М., ... & Жумадеева, М. Biznes-Эксперт.
38. Xurshid Qo'ldosh o'g, A. (2023). NIMA UCHUN TALABA KITOB O'QIMAY QO'YDI?. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 35(3), 93-96.
39. Xurshid, A. (2024). XXI ASRDA EKOLOGIK MUAMMOLAR. *World scientific research journal*, 26(1), 45-50.